**АБТАР** — мафоийлун (V---) рукнининг «батар» (илдиз агдариш) зихофига учраши натижасида хосил бўлган «фаъ» (чизмаси: —) тармок рукнининг номи.
Масалан, Алишер Навоий каламига мансуб
Ол — тин ка- / фа -с ич - ра гар / ки - зил гул бут- / са, — — V / V — V — / V — — — / — Бул-бул-га / ти - кан — де-к о- / ш-ён бўл-ма- / с э-миш. --V / V — V —/V — — V / V —
байтнинг биринчи мисрасидаги аруз рукни «фаъ», яъни «абтар»дан иборат. Шунинг учун хам бу мисра вазни хазажи мусаммани ахраби макбузи абтар деб аталади.